

## Товарлар ва хизматлар бозори

2016 йил январь-декабрда чакана товар айланмаси 3716,4 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15,1 фоизга ўсди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2015 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами</b>	<b>3716,4</b>	<b>115,1</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:			
давлат мулки	4,3	104,3	0,1
нодавлат мулки	3712,1	115,1	99,9
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	3139,5	120,1	84,5

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2016 йил январь-декабрда 813,1 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,6 фоизга камайган.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йилнинг январь-декабрь ойларида 2216,9 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 26,3 фоизга ошган.

2016 йил январь-декабрда чакана савдо айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2015 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Чакана товар айланмаси</b>	<b>3716,4</b>	<b>115,1</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан:			
савдо корхоналари	813,1	97,4	21,9

	млрд. сўм	2015 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
--	-----------	--	--

Якка тартибдаги тадбиркорлик	2216,9	126,3	59,6
уюлмаган сектор (ташқил этилмаган савдо фаолияти)	686,4	107,5	18,5

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 94,4 млрд. сўмга етди ёки 2015 йил январь-декабрга нисбатан 6,6 фоизга ошган.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини кўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 13,3 фозга ошди ва 3973,7 минг сўмни ташқил этди (2015 йил январь-декабрь ойларида 3261,0 минг сўмни ташқил этган).

2016 йил январь-декабрда **бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари** бўйича ҳажми 2715,7 млрд. сўмни ёки 2015 йил январь-декабрга нисбатан ўсиш 115,5 фоизни ташқил этди, шу жумладан қишлоқ жойларида 686,7 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 25,3 фоизини ташқил қилди.

Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2016 йилнинг январь-декабрида қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2015 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами хизматлар</b>	<b>2715,7</b>	<b>115,5</b>	<b>100,0</b>
Шу жумладан хизмат турлари бўйича:			
алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	158,9	107,4	5,9
молиявий хизматлар	244,1	118,3	9,0
транспорт хизмати	728,7	114,6	26,8
шу жумладан автотранспорт хизматлари	648,7	114,4	23,9
яшаш ва овқатланиш хизматлари	104,7	103,4	3,9

	млрд. сўм	2015 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
савдо хизматлари	954,7	118,3	35,2
кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	61,3	114,7	2,3
таълим соҳасидаги хизматлар	98,6	121,6	3,6
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	22,4	116,6	0,8
ижара ва прокат хизматлари	52,3	118,0	1,9
компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	60,9	117,4	2,2
бошқа шахсий хизматлар	77,2	117,1	2,8
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	19,9	115,4	0,7
бошқа турдаги хизматлар	132,0	109,9	4,9

Хизматлар таркибида энг катта улуш савдо (жами хизматларнинг 35,2 фоизи), транспорт (26,8 фоизи) хизматларига тўғри келди.

Шунингдек, таълим хизматлари (121,6 фоиз) молиявий хизматлар ва савдо хизматлари (118,3 фоиз), ижара ва прокат хизматлари (118,0 фоиз), ҳамда компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари (117,4 фоиз)да ўсиш суръати юқори бўлди.

2016 йил январь-декабрида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари қуйидагича:

